



# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 20-iyun, chorshanba \* № 26 (778) \* 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan \* elektron manzil: hurriyat@doda.uz \* www.uzhurriyat.uz

## АХБОРОТ ОЛАМИДАГИ ДОҒЛАР

Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, таҳлилчи ва кузатувчилар бу даврга кўпинча ялли ахборотлашув асри ёки глобаллашув номини беришмоқда.



⇒ 5-бет

## БОЛА ҚАЛБИ — ОППОҚ ҚОҒОЗ

Мақтаб партасига келиб ўтирган ўқувчининг шурида илму маърифатга бўлган меҳри, интилиши вояга етказиш муаллимнинг вазифаси бўлса, унинг ҳаётга бўлган муносабатини шакллантиришда, ўз ўрнини топиб жамият учун фидойи бир инсон бўлишида оиланинг ўрни бекиёсдир.



6-бет

## “ХАТТИ БОБУРИЙ” ЁКИ БУЮК АҲДОДИМИЗ ЯРАТГАН АЛИФБО

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, олим ва давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур серкирра ижодкор сифатида дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган. Ўзбек тили ва форсий забонда гўзал ашъорлар битган шоир Бобурнинг насрий жанрдаги “Бобурнома” асари, мана, беш асрдирки, Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бойси, бу асарда ўттиздан ортик фанларга оид нодир маълумотлар йиғилган.

⇒ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- \* 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Н.О.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.
- \* Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- \* Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида мамлакатимизда «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатлари сиёсий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари иштирок этдилар.
- \* Хитойнинг Цзянси провинциясида хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари учун уюштирилган махсус сафар доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди. Унда Цзянси ҳукумати ва Шанжао шаҳри маъмуриятининг вакиллари қатнашди.



## Тошкентнинг тотли нонлари

Мамлакатимизда ички истеъмол бозорини сифатли товарлар билан тўлдириш, аҳолининг муҳим озиқ-овқат

маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.


Пойтахтимиз аҳолисига турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришда «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси муҳим ўрин тутади. Уюшма тизимидаги 47-нон ишлаб чиқариш корхонасида янги қувватларни ишга тушириш, техник қайта жиҳозлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар маҳсулот тури ва сифатини ошириш имконини бераётди. Ҳозир замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларда 40 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу технологиялар тежамкорлиги боис маҳсулотларнинг арзон бўлиши таъминланмоқда, ноннинг сифати ва тури ошмоқда. Бунинг самарасида «Шоғлик», «Баҳор», «Шарқ», «Пахтаой», «Лочира», «Тошкент патири» каби нонларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Нон маҳсулотларини ҳавоси сўриб олинган пакетларда қадоклаш йўлга қўйилгач, уларнинг санитария-гигиена талабларига мослиги ва яроқлилиқ даражаси янада ошди. Бу эса аҳолига ҳам манзур бўлмоқда. — Корхоналаримиз автоматик бошқариладиган, замонавий технологиялар билан жиҳозлангани боис маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда, — дейди «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси раиси Мақсуд Қосимов.



## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги олдида

### Мустақил давлатимиз мақсадларини ифода этувчи кўзгу

Конституция — бутун халқ ёки жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатлари ва иродасини ўзида ифодаловчи давлатнинг асосий қонуни. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти, ижтимоий қадриятини ва моҳиятига кўра юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақкам ҳуқуқий пойдевордир.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Конституциямиз ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирини кундан-кунга юксак аҳамият касб этиб бормоқда, маърифий тараққиёт талабларига тўлиқ жа-

воб бормоқда, энг муҳими, у истиқболни кўзлаб мукамал яратилган. Бош Қомусимиз биринчи моддасидан тортиб то охиригача мустақиллик ғояси билан сугорилган. Унинг бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган. Бир сўз билан

айтганда, Конституциямиз халқимизнинг табиати ва менталитетига хослиги, изчил ҳаётийлиги ва замон билан ҳамнафаслиги, энг эзгу миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида ифода этгани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига устувор эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир.



## Роғун ГЭСи қурилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши муқаррар

Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай

Дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва мутахассислари томонидан Тожикистонда, Амударёнинг юқори оқимида йирик гидроэнергетика иншоотининг қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш давом этмоқда. Ушбу қурилишнинг минтақада яшаётган аҳоли ҳаёти учун нақадар хавфлилиги яхши маълум, тадқиқотчилар ўз эътиборини фақат бундан катта зарар кўрадиган муайян соҳаларга қаратмоқда ҳамда зарарнинг кўламини баҳоламоқда.

Бунга халқаро сув ресурслари ва экология муҳандислиги академик журналининг сўнгги сонида Американинг Нью-Мексико ва Шимолий Дакота университетларининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган «Роғун гидроэлектростанцияси

АҚШ доллари миқдоридан зарар етказиши, ялли ички маҳсулотнинг икки фоизга камайиши ва 300 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Роғун тўғрисида қурилишининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини чуқур таҳлил қилиб чиққан америкалик бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаси шундай.

Тадқиқотчилар Роғун гидроэлектростанцияси сув омбори сувга тўлдирилиб, тўлиқ режимда ишлаб бoшлагач юзага келиши мумкин бўлган икки — энг ёмон ва эҳти- молга яқин ҳолатни баҳолаган.

Уларнинг маълумотларига кўра, Роғун сув омборини тўлдириш учун 12,4 йил керак бўлади. Бу даврнинг ўзи катта мураккабликларни келтириб чиқариши муқаррар. Чунки, Амударё оқимининг бир қисми тўсилади ва суви мазкур сув омборига

йўналтирилади. Олимларнинг фикрича, Роғун ГЭСининг асосий салбий таъсири ёз мавсумида — у сувга тўлдирилиб, қишда суви чиқариб юборилганида айниқасан кунаяди.

Роғун ГЭСи электр энергиясини тўлиқ ишлаб чиқариш тартибидан ишлаган пайтда ёзда Амударёнинг сув сатхи 18 фоиз камайдди, қиш даврида эса, аксинча, 54 фоиз кўпаяди. Бу эса Ўзбекистонда май-сентябрь ойларида (суғориш мавсумида), яъни муҳим вегетация даврида кескин сув тақчиллиги юзага келиши, сентябрь-майда эса сув кўпайиб, тошқинлар рўй бериши мумкинлигидан далолатдир.

«Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига катта зарар келтиради, яъни 506 минг гектар ерни (суғориладиган майдоннинг қарийб 11 фоизини) қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқариб ташлашга олиб келади.



# Мустақил давлатимиз мақсадларини ифода этувчи кўзгу

(Бошланғич 1-бета)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий Қонунимиз нафақат ўзимизнинг ҳуқуқий йўлимизни, балки жаҳон мамлакатларининг конституциявий тараққиёт бўйича тўплаган улкан тажрибаларини ҳам мужассам этган. Унинг демократик андозаларга мослиги хорижий экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, давлат арбоблари томонидан ҳам эътиборга эриштирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида миллий давлатчиликнинг асосий тамойили — давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши тамойили мустақамланган, уларнинг ҳар бири мустақил экани белгилаб қўйилган. Айтиш жоизки конституциявий ривожланишнинг навбатдаги, Асосий Қонунимизнинг тамойил ва меъёрларини ҳаётга амалий татбиқ қилишни таъминлаш имконини берадиган тақсимланган асосий хусусияти шундан иборат бўлдики, айнан шу даврда давлатимиз раҳбари томонидан стратегик ривожланиш бўйича “Ўзбек модели”нинг бешта тамойили ишлаб чиқилди. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий ва давлат қурилиши дастури, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш стратегияси ҳаётга татбиқ этилди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида янгиликлар, мамлакат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш давомида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мақомини аниқ ва тўлиқ белгилаш соҳасида ўзгаришлар, сайлов тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳоқдалари конституциявий ривожланишнинг мантиқий давоми бўлди. Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онг даражаси ўсганлиги ҳамда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш билан боғлиқ жараёнларнинг ривожлангани, кўппартиявий тизимнинг мустақамлангани давлат ҳокимиятининг учта субъекти ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Айни шу нуқтаи назардан олганда, Президентимизнинг парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма йиғилишидаги “Мамлакатимизда демократик ислохот-

ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да баён қилган қонунчилик ташаббусларини давлат ва жамият қурилишини изчил демократлаштиришнинг навбатдаги бошқичи сифатида қараш зарур.

Маълумки, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш асосида парламент томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун қабул қилинди. Президентимиз томонидан Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган мазкур Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Қонуннинг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: Президент — давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ваколатларни янада мутаносиб тақсимлашни таъминлаш, шунингдек, сиёсий партияларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизациялашдаги роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган қонуний асосларни яратишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Концепцияда қайд этилганидек, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этиш, давлат ҳокимиятлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ва жойларда вакиллик органлари ваколатлари ҳамда назорат вазибаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоат долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди. Шунингдек, бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазибаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият берилди.

Ислохотлар жараёнида, албатта, миллий парламентни шаклланти-

риш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамият касб этди. Бу жараённинг “Ўзбек модели”га таянган ҳолда босқичма-босқич рўёбга чиқарилгани, жумладан, бир палатали парламент фаолияти асосида Ўзбекистон парламенти асослари яратилиб, ўзига хос аъна ва тажриба шакллантирилди. Ўз навбатида, бу мамлакатимизда қонунчилик мактабининг ривож топишида, қонун лойиҳаларини умумхалқ томонидан кенг муҳокамага қўйиш, амалдаги қонунларнинг янги тахрирларини яратишда янада яққол ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга, 2000-2010 йиллар мобайнида мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил этиш ва шакллантириш бўйича жуда кенг миқёсда ҳуқуқий-ташқилий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислохотлар тизимида профессионал асосда иш олиб борувчи Қонунчилик палатаси ҳамда вакиллик органи — Сенатнинг ташкил этилгани муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Зеро, бу билан парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш, депутатларнинг доимий асосда профессионал тарзда иш олиб бориши, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини янада кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратишди. Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини уч ўқишда кўриб чиқиш, қуйи ва юқори палата ўртасидаги келишмовчиликларни келишув комиссиялари орқали ҳал қилиш, умумдавлат дастурларини тасдиқлаш, парламент сўрови; парламент эшитиш каби янги институтлар жорий этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, парламент ислохоти натижасида ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати таъминланиб, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик органларининг ролини кучайтирди. Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришилди, қабул қилинаётган қонунлар сифатини кескин оширди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун ҳам шу ислохотлар изчиллигини

таъминлаш, мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг роли ва масъуллигини оширишда янги босқични бошлаб берди, десак, муволага бўлмайди. Зеро, ушбу тузатишларда мамлакатимиз парламентининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ваколатлари янада кенгайтирилди.

Хусусан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчага биноан, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатига эга бўлди. Бу ҳолда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатларда янгилик бўлиб, ҳуқуқат фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмининг яратди. Эътиборли жиҳати, парламент палаталарни қайсибир масалани жамият ҳаёти учун долзарб деб ҳисобласа, ҳуқуқат раҳбарининг ана шу масала юзасидан ҳисоботини исталган вақтда эшитиши мумкин. Бу ҳолда, албатта, парламентнинг ижроия ҳокимиятга таъсирини янада оширди, ҳуқуқат фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда қўл келди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддаси янги 8-15-қисмлар билан тўлдирилди. Улар мазмун-моҳиятига кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартибининг жорий қилишга йўналтирилган. Шунга мувофиқ, Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг кўлдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга таклиф этилиши кўзда тутилган. Давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида киритилган мазкур тузатишлар давлат ва жамият ҳаётини сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда муҳим ўрин тутди. Сиёсий партиялар ўртасида рақобатни янада кучайтирди.

Шу ўринда мамлакатимизда биринчи маротаба Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилганини қайд этиш лозим. Маълумки, хорижий давлатлар тажрибасида парламентнинг ҳуқуқат нисбатан му-

носабатини белгиловчи асосий институтлардан бири ишончсизлик вотуми (лотинча «votum» — «хоҳиш», «ирода») ҳисобланади. Парламент амалиётида ҳуқуқат фаолиятини қўллаб-қувватлашлик шу тартибда ифода этилади. Ҳуқуқат раҳбарига ишончсизлик вотуми билдирилиши, қоида тариқасида, бутун ҳуқуқатнинг истеъфога чиқишига олиб келади.

Конституциянинг 98-моддасига киритилган тузатишларга кўра, айрим хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолдагина билдирилиши мумкин. Бу орқали ҳуқуқат ва парламент муносабатларида барқарорлиқни таъминлаш назарда тутилган. Бунда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Шу билан бирга, парламент томонидан ишончсизлик вотуми билдирилганда, парламентнинг ўзини тарқатиб юбориш масаласи кўн тартибда турмайди. Бу эса, парламентнинг қатъият билан фаолият юритишига имконият беради. Ишончсизлик вотуми қабул қилинганда янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Олий Мажлисга кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Бундай ҳолатлар, табиийки, ҳуқуқат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг парламент, қолаверса, халқ олдида масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Конституциясига киритилган янги ҳуқуқий меъёрлар парламентнинг ҳар икки палатасидан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш шакл ва методларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу муносабат билан парламент назоратининг сенатор сўрови, ҳокимият органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишларнинг аҳоли ҳақидаги ахборотларини тинглаш каби шакллари янада самарали қўллаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолигини ошириш, уларнинг нуфузини ошириш талаб қилинади. Қолаверса, Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳаётга самарали татбиқ қилиш учун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; сиёсий партиялар мамлакат тақдир ва келажаги учун улкан масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр туриши лозим. Бунинг учун биз Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳият-мазмунини ва аҳамиятини мамлакатимиз фуқаролари онгига синдиришни шакл ва усулларини тубдан қайта кўришимиз, бу борадаги ишларимиз самарадорлигини оширишимиз керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, конституциявий нормалар давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, тегишли давлат фуқаролари ҳамда мамлакат ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари учун мажбурий бўлиб, уларнинг фаолиятларини тартибга солишда асосий манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Конституциянинг мазмун-моҳиятини, гоиларини, тамойил ва қоидаларини ўрганиш ва мукамал билиш нафақат фуқаролар, ёшлар учун фарз; шунингдек, барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Зеро, ҳар биримиз конституциявий нормаларга оғишмай риоя қилсак, берилган ҳуқуқлардан самарали фойдалансак ва бурчларни виждонан бажарсак, Конституциямиз мамлакатимиз ижтимоий тараққётининг мустақам ҳуқуқий қаролини сифатида, шубҳасиз, ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Қонунчилик ва сул-ҳуқуқ  
масалалари қўмитасида  
доний асосда ишловчи сенатор

## Тошкентнинг тотли нонлари

(Бошланғич 1-бета)

— Ҳозир ҳар куни ўртача 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, «Богистон-нон», «Саховат-нон», «Тутзор», «Тарахум», «Олтин нон», «Сумбула-нон», «Нон азиз» каби корхоналарнинг ҳар бири кунига 15 тоннадан зиёд турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётир.


Ҳар куни истеъмол қиладиганимиз — нон ва нон маҳсулотларини темир моддаси, фойдали витаминлар билан

бойитиш аҳоли саломатлигини мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, буқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида дўконларга йодли батонлар етказиб берилмоқда. Қанд хасталигига чалинган ёки ошқозон-ичак йўлларида муаммоси бўлганлар учун майдаланган буғдой ва кепак аралашмаларидан қотирилган нон ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, нон маҳсулотлари мазали нон маҳсулотлари муҳайё. Айниқса, бойитилган ундан тайёрланган, пархезли, биз, қариялар учун фойдали “Шодлик” номининг таъми жуда ёқади. Мана шу тўқинлик, фаровонлик ҳам истиснолимиз шарофатидир.

— Бир вақтлар нон дўконлари санокли бўлар, уларда соатлаб навбатда турардик, — дейди миросотлик Ҳадича ая Собирова. — Ҳозир кечасими, кундузимми, қайси вақтда нонга зарурат бўлса, дўконда иссиқина, турли хилдаги мазали нон маҳсулотлари муҳайё.

— Бир вақтлар нон дўконлари санокли бўлар, уларда соатлаб навбатда турардик, — дейди миросотлик Ҳадича ая Собирова. — Ҳозир кечасими, кундузимми, қайси вақтда нонга зарурат бўлса, дўконда иссиқина, турли хилдаги мазали нон маҳсулотлари муҳайё. Айниқса, бойитилган ундан тайёрланган, пархезли, биз, қариялар учун фойдали “Шодлик” номининг таъми жуда ёқади. Мана шу тўқинлик, фаровонлик ҳам истиснолимиз шарофатидир.

**Сайёра ШОЕВА,**  
ЎЗА муҳбири



## Битирувчилар хизматга отланди

Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти республикаимиздаги нуфузли таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда жисмонан бақувват, замонавий ҳарбий техникани бошқаришни ўзлаштириб олган, шу билан бирга, иродали, Ватани ва халқига садоқатли офицер кадрлар тайёрланмоқда. Яқинда илм масканида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган билим юрти бошлиғи, полковник Х.Маматов битирувчиларга келгусидаги фаолиятларида омад ёр бўлиши, уларга билдирилган ишон-

чни шараф билан оқлашлари лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг битирувчиларга ҳарбий лейтенант унвони берилганлиги эълон қилиниб, дипломлар топширилди.

— Офицерлик унвони ва мутахассислик дипломи менга ғурур бағишлайди, — деди лейтенант Зафар Аҳбубаев. — Биз, ёш офицерлар мустақил ҳаётга кадам қўяр эканмиз, келгусида Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлиши учун бор куч ва гайратимизни аямай хизмат қилишга сўз берамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг генерал-лейтенант Б.Матлюбов иштирок этди.

**Шаҳно БОБОЕВА**

## Роғун ГЭСи қурилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши муқаррар

(Бошланғич 1-бета)

Бу эса камида 336 минг киши ишсиз қолиши мумкин, демакдир. Натижада Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга қисқаради, давлат даромадлари 6,9 фоизга камаяди ва, энг ёмони, иқтисодий ўсиш ҳам пасаяди, — деб ёзади америкалик тадқиқотчилар.

Бирок, Ўзбекистон ўз кишлок ҳўжалигида сув истеъмолини камайтиришга доир катта чоралар кўрган тақдирда ҳам, 314 минг гектар сугориладиган майдонни оборотдан чиқаришга тўғри келади. Бунинг натижасида 208 минггача аҳоли ҳаётини манбалардан узилиб қолади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 1,4, бюджет даромадлари эса 4,3 фоизга камаяди.

Куйи оқимда жойлашган ерлар сув остида қолади. Бу Амударёнинг куйи қисмида яшовчи аҳоли ҳаётини бевоқиф қилганда ҳам, иншоотлар, йўллар, бошқа коммуникацияларнинг вайрон бўлиши, экин майдонлари ва боғлар сув остида қолишига олиб келади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотда экологик хавфлар, шунингдек, кучли зилзилалар рўй берганида ва баланд тоғда жойлашган тўғон ўпирилган тақдирда юз берадиган техноген фалокатларнинг фожiali оқибатлари ўрганилмаган.

Хавфсизликка таҳдид солуви омилилар турлича баҳоланаётганига қарамай, тадқиқотчилар мазкур шубҳали лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистоннинг ўзига ҳам, дарёнинг куйи қисмида жойлашган мамлакатларга ҳам, умуман, бутун Ўрта Осиё минтақасига жиддий салбий таъсир кўрсатади, деган бир хил фикрдандир.

Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустақкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади.

Ислом КАРИМОВ

2012 йили - Мустақкам оила йили



Ҳамкорликда самара кўп

Оила жамиятнинг бирламчи бўғини бўлиб, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор тузилмасидир. Бу муқаддас даргоҳда инсон дунёга келади, тарбия топади, камолга етади. Албатта, оиланинг мустақкам бўлишида маҳалланинг ҳам ўрни бекиёс.

Асрлар ўтса-да, маҳалла ноёб ижтимоий тузилма, халқимиз жамоавий ҳаётининг бир кўриниши сифатида ўз хусусиятларини сақлаб келмоқда. Хар қандай қадимий урф-одат ҳам, янгилик ҳам маҳаллада тарғиб қилинади, сайқал топади. Афсуски, бебаҳо кадрларни ўзида мужассам этган ушбу ижтимоий маконнинг нодир хусусиятлари собиқ тузум даврида халқимизнинг ўзлигини йўқотиш сўёсати сифатида қўлланилган нишонлардан бири бўлди. Ўзбекининг аҳиллиги, жамоавийлиги, меҳр-оқибатини ўзида бирлаштирган маҳалланинг илдирига болта уриш билан ҳадикни мақкуртлаштириш гоёси илгари сурилди.

Халқимиз жамиятни барқарор сақлашнинг маҳалла ва оила каби ишончли ва аънъанавий усулларига эга. Айнан шулар барқарор оилаларнинг асосидир. Оила ва маҳалла яхши аънъаналарнинг давомийлигини сақлаб қолиш ва янги мазмун билан бойитиб боришга ёрдам беради.

2012 йилнинг Мустақкам оила йили деб номланиши, энг аввало, оила институтини янада ривожлантириш, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда унинг ролини оширишдек эзгу мақсадларга қаратилган. Зеро, Юртбошимиз айтгандек, бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт куриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустақкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақкам оила йилида оилаларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини, ёш авлодни тарбиялашдаги, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдаги аҳамиятини оширишда куч ва имкониятларни сафарбар этиш — барча давлат ва жомат ташкилотларининг асосий вазифасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро туман ФХДБ бўлими томонидан асосий фаолият йўналишлари белгилаб олиниб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, оиланинг ҳуқуқий асосини ниқоҳ ташкил этади. Шарият қоидаларига асосан тузилган ниқоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Шундай экан, қонуний ниқоҳ ниқоҳланувчи шахсларнинг ўзаро аҳдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ҳамда эр-хотин ўртасида ва уларнинг фарзандлари олдига маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Қонуний ниқоҳдан ўтмасдан туриб оила куриш нафақат ёлғиз она ва оталик

хоталарининг олиб кетишига, балки ушбу оилада туғилган боланинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Шу сабабни оилаларнинг қонуний ниқоҳни қайд қилиш асосида тузилишини таъминлаш ҳамда оилаларнинг маънавий-маърифий асосларини кучайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустақкамлаш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Бўлим томонидан ниқоҳланувчи шахсларнинг оила ва ниқоҳ ҳақидаги тушуналарини бойитиш, уларда соғлом ва аҳил оила куришга интилиши, шунингдек, юксак тиббий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида ҳуқуқий тарғиб ишлари мунтазам олиб борилапти. Хусусан, бўлим қошидаги "Оила дорилфунуни"да ниқоҳ тузиш тартиби, тиббий кўрикнинг аҳамияти, оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда қайнона-келин муносабатларига оид ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Ёшларнинг ниқоҳга маънавий тайёрлик даражаси оила мустақкамлигининг муҳим гаровидир. Бу эса ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлигини унутмасликни, оилада ва мактабда ушбу масалага доимо жиддий эътибор берилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам тумандаги бир қатор маҳаллалар фуқаролари, коллеж, лицей ўқувчилари иштирокида оилавий мулоқотлар, давра суҳбатлари, семинарлар, қолаверса, "Ёш оила курувчилар мактаби" машғулотларини доимий ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бунинг самараси сифатида туманимизда ниқоҳларни (шаръий ниқоҳ

асосида курилган оилаларда) қонуний қайд этишининг ошганлигини, ёлғиз оналик ва оталикни белгилаш ҳолатларининг камайганлигини кўришимиз мумкин. "Оила — жамиятнинг негизи" деган фикр ҳаётимизда тобора мустақкам ўрин олиб бораётир. Демак, соғлом ва мустақкам оила кўпайса, жамият ҳам соғлом ривожланади ва мустақкамланади. Бундай жамиятда соғлом ижтимоий муҳит қарор топади, турли салбий иллатлар йўқола боради. Шу боис, оилалар билан яқна тартибда суҳбат олиб бориш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда маҳаллалар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан тadbирлар ўтказилмоқда. Бу сазй-ҳаракатлар бежиз кетмайди. Ниқоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, ниқоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказишга бағишланган тadbирлар мустақкам оила курилишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, қонуний инсон — ҳар томонлама фаровон, бекамун кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғайди. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги таъкидларини келтириб ўтишни жоиз: "Энг муҳим вазифа — халқни, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини билладиган, маънавий соғлом ва мадания савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади".

Феруза БОЗОРОВА, Бухоро туман ФХДБ бўлими мудираси

ФАРМАЦЕВТИКА

Қишлоқларда дорихона шохобчалари

Истиқлол йилларида юртимизда аҳоли саломатлигини яхшилашга, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга давлат сўёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар муҳим дастуриламал бўлаётгани сир эмас. Утган йилларда республикамизнинг турли ҳудудларида, шу жумладан, қишлоқларда ҳам замонавий тиббий хизматнинг тезкор ва самарали усуллари йўлга қўйилди, қўллаб-қувватлаш қўрилди, маъмуллик қайта реконструкция қилиниб, энг сўнги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Айниқса, жойларда оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши аҳолига ҳар томонлама қулайлик ва имконият яратди.

Республикамизда халқимизнинг дори маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга молик. Бу борада аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини кенг асортиментдаги сифатли дори воситалари билан таъминлашда катта ҳисса қўшиб келаётган "Дори-Дармон" акциядорлик ком-

паниясининг ўрни катта бўлмоқда. Ҳозирги кунда маъмур компания таркибида 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхона мавжуд. Тизимда, шунингдек, 17 та дори омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда 1220 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 877 таси, яъни 72 фоизга яқини қишлоқ жойларида, шу жумладан, 698 та дорихона шохобчаси қишлоқ врачлик пункт-

лари қошида жойлашгани аҳамиятлидир. Шу ўринда қишлоқ врачлик пунктлари қошида қандай қилиб дорихоналар ташкил этилиши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. ҚВЛларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган 92 номдаги дорилар бўлишининг ўзидек катта га. Шундай эмасми? Ана шу жиҳатлар инобатга олинган ҳолда айна қуларда республикамизнинг олис ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктлари қошида туман марказларидаги дорихоналарнинг шохобчаларини ташкил этиш ишлари олиб борилапти. Бунинг натижасида нафақат аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда, балки тиббий коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан таъминлашга ҳам эришилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, бу муассасалар дори маҳсулотларини сифатли сақлаш учун барча талаблар асосида жорий этилмоқда. Жумладан, дорихона шохобчаларининг умумий майдонини ҳисобга олинган ҳолда уларда музлатгичлар ҳамда конденционерлар ўрнатилмоқда.

Қайд этиш керак, аслида дорихоналарда фақат фармацевтика йўналишида таҳсил олган мутахассислар сотувчилик қилиш ҳуқуқига эга. Аммо жойларда бу борада кадрлар етишмаслиги сабаб тиббиёт коллежларини тамомлаган йигит-қизлар ўриндошлик асосида дорихона шохобчаларида ишлаши мумкин. Мазкур масалага оид яна бир қулайликни қайд этиш мақсадаги мувофиқ: қишлоқ врачлик пунктлари қошида ташкил этилган дорихона шохобчалари фаолиятини назорат-касса машинасисиз ҳам йўлга қўйиш мумкин. Савдосотиқ харид чеклари орқали амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, тadbиркорлар учун катта имконият, аҳоли учун эса қулайдир.

Қишлоқ аҳолисининг дори воситалари билан таъминлигини янада яхшилаш мақсадида 2010 йилдан бошлаб махсус жиҳозланган "Isuzu" русумли изотермик автофургонларда 14 та кўчма дорихона фаолиятини йўлга қўйилди. Эътиборлиси, уларнинг барчаси жуда катта асортиментдаги сифатли дори воситалари билан таъминланган бўлиб, уларда нафақат нақд

пул билан, балки пластик картчалар орқали ҳам олди-сотдини амалга ошириш мумкин. Ушбу кўчма дорихоналар ёрдамида ўтган қисқа фурсатда республикамизнинг қўллаб-қувватлаш хизмат кўрсатишга эришилди. Жумладан, 2011 йилда 1 миллиард 703,4 миллион сўмлик ва жорий йилнинг биринчи чорагида 342,3 миллион сўмлик дори воситалари ва тиббий буюмлар савдоси амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, бундан йигирма йил олдинги аҳвол билан бугунги сини таққосласак, қисқа фурсатда ўзбек фармацевтикасининг амалга ошираётган ишлари анча салмоқли эканлиги ишонч ҳосил қилиш мумкин. Фикримизни қуйидаги рақамлар ҳам исботлайди. Мустақкамликимизга кўчма дорихона шохобчалари иштирокида дори маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган атиги 2 корхона фаолият юртган бўлса, айна пайтада уларнинг сони 130 тадан олиб кетди. Уйлаймизки, бу борадаги ислохотлар бундай кейин ҳам изчиллик билан амалга оширилаверди.

Азим РЎЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Замонавий ҳамда самарали

Глобаллашув асрида бирор бир соҳа фаолиятини ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, почта алоқаси тизимига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги почта алоқаси миллий оператори ҳисобланади. Бу ерда замонавий ахборот технологияларини жорий этишга катта эътибор берилётгани натижасида иш самарадорлиги ошмоқда. Почта хизмати сифати яхшиланим. Аънъанавий хизмат кўрсатиш билан бирга, шаҳарларо ва халқаро сўзлашувларда тўловларни тезкорлик билан амалга ошириш, уй телефонлари учун абонент тўловларини жорий этиш мақсадида почта алоқа бўлимлири "Ўзбектелеком"нинг биллинг тизими уланган. Унда, шунингдек, коммунал хизматлар ва электр энергияси учун тўловлар ҳам қабул қилинмоқда.

Жорий йилда жамиятнинг минтақавий филиалларига қарашли почта алоқаси объектларида

"Алоқабанк" ОАЖ ва бошқа банклар билан ҳамкорликда 1121 та тўлов терминали ўрнатилди. Почта алоқаси объектларининг барчаси "электрон пул ўтказмалар" автоматлаштирилган тизимига ўтказилди. Уларнинг сони бугун 945 тани ташкил этмоқда. "Тошкент почта-мати" филиалида эса интернет орқали буюртмаларни қабул қилиш хизмати йўлга қўйилди.

Айна пайтада алоқа бўлимлаларини компьютерлаштирилган алоқалиниясига улашга тайёргарлик қўриляпти. Ушбу тезкор алоқа тизимини йўлга қўйиш учун симсиз алоқа ўрнатадиган 500 та терминал ўрнатилиб, фойдаланишга топширилади. Албатта, бу жамият тизимига алоқа сифатини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу ўринда, интернет орқали электрон обунани амалга ошириш мақсади-

да "Даврий нашрларни тарқатишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими" устида иш олиб борилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва истиқболда яқин "Муассасани бошқариш" автоматлаштирилган тизимини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Қолаверса, почта алоқалари объектларида 364 та эскирган техникани алмаштириш ва модернизациялаш, 106 та почта алоқа бўлимини компьютерлаштириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда ҳудудий филиаллардаги 15 та почта алмашув пункти ҳамда барча шаҳарлар ва туманлардаги почта алоқа узелларининг саралаш участкалари почта жўнатмаларини рўйхатдан ўтказиш мониторингининг автоматлаштирилган тизимига уланган. Бу почта корреспонденциялари манзилларини жуда қисқа фурсатда аниқлаш имконини беради.

Почта хизматини янада такомиллаштириш ва уни замонавий талаблар асосида ривожлантириш — бугунги куннинг муҳим талаби. "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятида ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, янги технологиялар ва замонавий фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, почта хизмати маданияти ва сифатини ошириш борасида кенг миқёсда ишланяшлар олиб бориляпти.

Бундан кўзланган мақсад тизимда хизматларнинг янги, замонавий, ҳозиржавоб, кам вақт талаб этадиган самарали усуллари жорий этишдан иборатдир.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати



GPS маълумотларни жамлайди

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида GPS тизимининг жорий этилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда агентлик томонидан ишлаб чиқилган ва "Ўзахбороттранс" МЧЖ билан ҳамкорликда амалиётга тақдим этилган ушбу тизимнинг ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинди.

кўзланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда маҳсулот эгалари билан биргаллик GPS тизими дастурига бир қатор ўзгаришлар ҳам киритилди. Бунда, айниқса, хавфсизлик борасидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилди.



Аввало, бу тизим ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Дастлаб тизим таркибига кирувчи қурилма автотранспорт воситасига ўрнатилади. Қурилма бошқарилаётган автотранспорт воситасига ҳақидаги маълумотни ҳаво алоқа йўлдоши — спутник орқали олади ва уни тегишли алоқа компаниясига жўнатади. Алоқа компанияси, ўз навбатида, бу маълумотни диспетчерга узатади. Шундай қилиб, бошқарилаётган автотранспорт воситасидаги тегишли маълумотлар назорат қилишчи ходимга келиб тушади.

Бундай тизимни йўлга қўйишдан асосий мақсад автотранспорт воситаларида йўловчи ташиш хизматини амалга оширишда йўл ҳаракати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисалари қурбонлари сонини камайтириш, ташувчилар томонидан хавфсизлик талабларига амал қилинишни назорат қилишдан иборат.

Айна пайтада тизимни жорий этиш учун ушбу дастур ва трекинг ускунаси жамоатчилик назоратидан узокроқ бўлган жойлардаги автотранспорт воситаларига — шаҳарларо йўналишлардаги йўловчиларга хизмат кўрсатаётган 68 та автобўсга ўрнатилди. Унга, асосан, агентлик биносидидаги махсус диспетчерлик пунктида автобуслар ҳаракатининг назорат ташкил этилган. Агентлик буюртмаларга қараб йил охирига қадар бу рақамларни кўпайтириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Қутлибека РАҲИМОВА



**Дараклар**

**ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАР**

«France-Presse» агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, «Mercer Human Resource Consulting» компанияси дунёнинг энг қimmat шахарлари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, Япония пойтахти Токио биринчи, Анголанинг Луанда шахри иккинчи ўринни эгаллади.

Рўйхатнинг навбатдаги поғонасидан Япониянинг яна бир шахри Осака жой олган бўлса, Россиянинг Москва ҳамда Швейцариянинг Женева шахарлари кейинги ўринларга лойиқ деб топилди.

Маълум бўлишича, еврохудудда жойлашган кўп қабатли шахарларда яшаш тарзи анча арзонлашган. Масалан, рўйхатга кўра, Франциянинг Париж шахри бирданига 10 поғона, Италиянинг Рим шахри 8 поғона пастлаган. Греция пойтахти эса 24 дан 77-ўринга тушиб кетган. Қизил, Австралиянинг Аделаида шахри бирданига 19 поғона юқорилаб, қimmatлиги бўйича 27-ўринни эгаллаган.

Покистоннинг Карачи шахри бу йил ҳам яшаш тарзи энг арзон шахар дея тан олинди.

**3 ЙИЛДА 70 ТА АЭРОПОРТ ҚУРИЛАДИ**

Хитой ҳукумати 2015 йилга қадар 70 та аэропорт қуриб, мавжуд 101 тасини қайта таъмирлаш ниятида. ХХР Фуқаролар авиацияси маъмурияти раҳбари Ли Цзясян бу ҳақда ОАВга берган интервьюсида айтиб ўтди.



У, шунингдек, ўтган йил охиридаги маълумотларга асосланиб, мамлакат ҳудудидан 180 дан ортиқ аэропорт фаолият олиб бораётганини ва Хитой ҳукумати ҳар йили 300га яқин самолёт режалаштириб қўйгани таъкидланди.

Хитой амалдорларининг «France-Presse» ахборот агентлигига берган маълумотларига қараганда, авиация бозори мамлакат иқтисодий ўсишига хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

**600 ЁШЛИ МУМИЁ**

Чет эл ОАВлари берган маълумотларга қараганда, Перу президенти Ольянта Умала Германияга қилган расмий ташрифидан сўнг ўзи билан юртига 600 ёшли мумиёни олиб кетди.

Бундан олти асрдан олдин мумиёланган ушбу жасад 1980 йил Перунинг жанубий тоғ тизмаларидан топилган эди. Аммо 1986 йил мумиё номаълум сабабларга кўра, мамлакатдан олиб чиқиб кетилган. Кейинроқ у Мюнхен музейига қўйилгани маълум бўлди.

Мутахассисларнинг текширувларидан сўнг топилма айнан Перудан олиб кетилган мумиё эканлиги тасдиқланган, икки мамлакат вакиллари археологик ёдгорликни ўз юртига қайтаришни келишиб олишди.

**ЖОНИ ҚАТТИҚ ҲОЗ**

Яқинда АҚШдаги журналистлар пневматик милтик орқали 7 марта ўққа тутилган қушнинг тирик қолганидан хабар топишгач, ҳоз жуда машҳур бўлиб кетди.

Гап шундаки, ғознинг сўнгги янгиликлар қаҳрамонига айланишига унинг чеккан азоблари эмас, балки унга ўз ўрнида ўйлаб топилган антика лақаби сабаб бўлди. Ветеринарларнинг айтишича, улар оғир жароҳатланган қушга тиббий ёрдам кўрсатиб бўлишгач, ғозга янги исм топишга киришилган. Аввалига уни отишмалар чоғида 25 ёшида ҳалок бўлган нью-йорклик реппер Тупакнинг номи билан атамоқчи бўлишди. Аммо Тупак ўлган, ғоз эса тирик, шу сабаб унга мос бошқа лақаб излаб топилди. Ҳозга «50 cent» номи берилди ва бу бежизга эмас. Маълум бўлишича, машҳур «50 cent» гурӯҳи хонандаси шу вақтгача 9 марта ўққа тутилган бўлса-да, ҳали ҳам ҳаёт.

Шифокорларнинг таъкидлашича, «50 cent» ҳозир аста-секин тузалмоқда.

**ОТАНИНГ ЁШИ КАТТА БЎЛСА...**

Америкалик олимлар ўтказилган бир қатор тадқиқотлардан сўнг отанинڭ ёши қанча катта бўлса, фарзанднинг умри шунча узок бўлади, деган фикрга келишди. Бу ҳақда ВВС хабар тарқатди.

Аниқланишича, эркак уруғидаги теломерларнинг узунлиги қанча калта бўлса, зурриёдининг ҳаёти ҳам шунча қисқа бўлади. Аммо инсоннинг ёши ўтган сари унинг теломерлари узунлаша боради. Шу боис, узун теломерли эркак ДНКси келгуси авлоднинг узок умр кўришига сабаб бўлиши мумкин.

Илгари тиббиётда кеч ота бўлиш боланинг муддатидан олдин туғилишига сабаб бўлади, деб ҳисобланарди. Шунга қарамай, олимлар эркакларнинг кеч фарзанд кўриши авлоднинг соғлом бўлишини таъминлайди, деб таъкидлашмоқда.



**Ахборот оламидagi доғлар**

Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, таҳлилчи ва кузатувчилар бу даврга кўпинча ялпи ахборотлашув асри ёки глобаллашув номи беришмоқда. Чунки ер юзининг қайсидир бир чеккасида қандай воқеа юз бермасин, бир неча сониялар ичида одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида туриб хабар топади. Бу эса ҳар қандай жамиятда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ошиб бораётганининг яна бир далолатидир. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса бугунги матбуот жамиятда юз бераётган воқеа ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиликларни тўлалигича ҳис этмоғи, ахборотлар оқимини қамраб олмоғи керак.

Афсуски, дунё матбуоти фақат ахборот тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, маълум бир гурӯҳлар, ўз манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилаётган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаришларга таъкидлашга уринишларига доиралар қўлидаги энг ишончли қуролга айланиб қоляпти. Матбуот аталмиш қудратли «машина» одамлар онига таъсир этувчи, бунёдкор ёки, аксинча, бузғунчи ғоялар тарқатувчи воситага, айтиш мумкин, XXI аср мафкура қуроли, номини олишга ҳам улғурди.

Чунки эндиликда жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бўлди. Шунинг учун ҳам айрим мамлакатлар ўз ҳудудларидан интернет хабарлари учун турли тўсиқ — филтрларни ўйлаб топаётган бўлсалар, бошқа бир давлатлар ўз манфаатларига зид тарздаги гаразли ахборотларга нисбатан аҳолида имунитет ҳосил қилиш йўлини танламоқда.

Мисол тариқасида Яқин Шарқ ва Африканинг камидан 10 та мамлакатини қамраб олган ақсилхукумат чиқишларини ахборот хужжатларининг оқибати сифатида келтириш мумкин. Тунисда ғалаёнлар ҳалигача барҳам тоғгани йўқ.

Бунинг устига энг ёмони, ёвуз ниятли кимсаларнинг намоёнлигига чиққан оломонга 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги нақд пулни тарқатаётганидир. Қўриниб турибдики, бундай бузғунчиликлар ортда муайян кучлар мавжуд. Шу Миср араб республикасида ҳам ана шундай аянчли



жаҳон маданиятига эга халқро ҳамжамиятнинг таркиб топиши жараёни» сифатида талқин қиладиган бир гуруҳ олимлар ва уни тарқатиш билан машғул матбуот — «тарғибот» машинасининг инсониятга етказадиган зарари жаҳолат ва ақидапастликдан келадиган зарардан асло қолишмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Умуман, бундай хавф-хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёнига таъсирини ахборот оламидagi янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамиятлар ҳаётига шиддат билан кириб келишида давом этмоқда. Уларнинг зарарли, тузатиб бўлмас оқибатларини, афсуски, ҳамма ҳам бирдек ҳис қилавермайди. Уни янада кенгроқ ёйиш пайида бўлган кучлар эса, аввало, ҳар қандай жамиятнинг таянч бўлиши ёшларни турли ниқоблар, биринчи гада сўз ва фикр эркинлиги ниқоби остида чалғитишга, уларнинг мурғак онига ўз мафкурасини сингдиришга уринадилар. Чунки бу ёвуз кучлар бир ҳақиқатни, яъни инсоннинг қалби ва онги захарланса, қалби уни аввалги ҳолатига қайтариш осон кечмаслигини, бу муайян халқ ва миллатни қуролсиз, осонгина маҳв этишининг энг мақбул усули эканлигини яхши англайдилар.

Ортбосимиз таъбири билан айтганда: «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқдир».

Мамлакат аҳолиси «Фукусима-1» даги ҳалокат қайтарилишидан хавфсираб, АЭСнинг яна ишга туширилишига қарши чиқмоқда. Аммо ҳукумат раҳбарлари Япония атом энергиясидан воз кечадиган бўлса, мамлакатда электр энергияси инқирози авж олишини таъкидлаб ўтишди.

15 июнь куни Kansai Electric Power (KEPCO) компания-оператори Ои шахридаги электр станциялари хавфсизлик талабларига жавоб беришини тасдиқлади.

**ЯПОНИЯ АЭСЛАРИ ЯНА ИШГА ТУШИРИЛАДИ**

«France-Presse» агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, Япония бош вазири Есихико Нода Ои шахридаги 2 та АЭСни қайта ишга тушириш ҳақида буйруқ берган.

Мамлакат аҳолиси «Фукусима-1» даги ҳалокат қайтарилишидан хавфсираб, АЭСнинг яна ишга туширилишига қарши чиқмоқда. Аммо ҳукумат раҳбарлари Япония атом энергиясидан воз кечадиган бўлса, мамлакатда электр энергияси инқирози авж олишини таъкидлаб ўтишди.

15 июнь куни Kansai Electric Power (KEPCO) компания-оператори Ои шахридаги электр станциялари хавфсизлик талабларига жавоб беришини тасдиқлади.

**КОМПЬЮТЕР ҲИСОБИНИНГ ЗАРАРИ**

Россиянинг Санкт-Петербург шахрида яшовчи, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 17 ёшли ўсмирга нисбатан қасддан одам ўлдириш айби қўйилди. Бу ҳақда «Взгляд» газетаси шундай хабар тарқатди.

Жиноий иш бўйича йиғилган маълумотларга қараганда, 35 ёшли аёл кун давомида компьютер ўйинлари билан машғул ўғлини тартибга чақирмоқчи бўлган. Жангари ўйинларнинг ашаддий муҳлиси бўлган ўғил онасига пичоқ кўтаришгача борди. Сўнг ҳеч нима бўлмагандек компьютер ёнига бориб яна ўйинини давом эттирди.

Матбуот, шубҳасиз, миллионлар минбари сифатида айни пайтда баҳс-мунозаралар, ғоялар қураши майдонига ҳам айланди.

Шуни унутмаслик кераки, инсон маънавиятига қарши қаратилган, бир қарашда арзимасдек кўринган кичкина хабар ҳам, ахборот оламидagi глобаллашув жараёнидан куч олиб, ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинлигини янгиликлар дунёдаги, айниқса, стратегик ҳимоя ресурсларига бой мамлакатларда юз бераётган айрим воқеалар кўрсатиб турибди.

Ҳаёт ҳақиқати эса ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан жумладан, оммавий ахборот воситаларидан ҳам бир пайтнинг ўзида эзгулик ва ёвузлик йўлида, миллатни бирлаштирувчи ёки айирмачиликни тарғиб этувчи куч сифатида фойдаланиш мумкинлигини исботлади. Биргина Америка матбуоти 2001 йил 11 сентябрь ҳодисаларда омман бирлаштира олувчи кучга айланди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Терроризм бош кўтарган, инсониятнинг тинч турмуш тарзига таҳовуз қилган бир пайтда 300 миллион нуфусли Америка халқи бир кеча-кундузда турли мухоказалар, қарашларни четга суриб, ягона ғоя — ватанпарварлик ғояси атрофида бирлашди ва ўз халқининг қудратини дунёвий хавфга қарши қўя олди. Натижада бир пайтлар моддий манфаатни биринчи

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Жабрдийда она бир амаллаб тез ёрдам хизматига кўнгироқ қилади. Шифокорлар воқеа жойига етиб келиб, жабрланувчига тиббий муолажа кўрсатаётган вақтда у ҳаётдан кўз юмади. Маълум бўлишича, опасига тиббий ёрдам кўрсатилган пайтда ҳам йигит бамайлихотир ўйинини давом эттиргани.

Газетда таъкидланишича, компьютерга боғланиб қолиш натижасида жиноят содир этилиши ҳолатлари тез-тез учраб туради. Масалан, март ойида Ёкутистонда худди шундай жанжал сабаб ўрта ёшдаги киши қари аёлни чопиб ташлаган. Қотил терговчиларга берган кўрсатмасида эса кўп вақтини компьютер ўйинларига бағишлагани, бунинг натижасида ўйин ва ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги фарқни ажратолмай қолганини айтган.

Аммо психологларнинг фикрича, бундай жиноятларга фақатгина компьютер ўйинлари эмас, балки кишининг психик ҳолати ҳам сабаб бўлади. Бундай кишилар нафақат ўйиндан таъсирланиб, балки вақший кинони кўргач ёки шундай китобни ўқигач ҳам жиноятга қўл уриши мумкин.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.



▼ БУ ШУНДАЙ ТУЙГУКИ...

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ватан остонадан бошланади» — бу пурмағно сўзлар замирида бир олам ҳаёт фалсафаси мужассам экан. Юртининг қадрини ундан айро тушганда теранроқ англаб етаркан, киши. Буни менга ҳаётнинг ачиқ сабоғи аңлатди.

# Бир кафт тупроғингга алишмасман

Яқин ўтган йилларда қишлоғимиз ёшлари хорижга бориб ишлашга қизиқарди. Ҳар ҳафтасига қишлоғимизга иккита автобус келиб, чет элда ишлашни истаганларни олиб кетарди. Кимдир мўмайгина даромад қилиб, чўнтагини қаппайтириб қайтар, уйлар қурар, тўйлар қилар, бунга қишлоқда қолганлар, айниқса, биз тенгилар ҳавас қилардик. Аммо қанчаси дарбадарликда қийналиб, соғлиғидан айрилиб қайтди, ўзга жойларда қолиб кетганларимиз бўлди.

Гарчи ота-онам қарши бўлишса-да, мен ҳам хорижга бориб ишлаш ниятида юрдим. Гўё ўша ёшларга борсам бошқача одам бўлиб қоладигандак эдим.

Бегона юртта бордик ҳам. Қишлоғимиздан бирга келган тўрт аёл ресторанга ишга жойлашдик. Эртаю кеч тинимсиз ишлаш, камситиш, хўрлашларни бошдан кечирдик. Бизни «сотган» фирибгарлар «сенларга қилган харажатларни қоплаш учун уч-тўрт ой маошсиз ишлашга мажбурсизлар» деб бизга оғир юмушларни бажартиришар, додимизни эшитадиган одам йўқ эди. Тўғриси, мен меҳнатдан қочмадим, аммо юртни, қишлоқ одамларини, ота-онам, яқинларимни соғиндим. Ҳатто тушларимда қишлоғимнинг чағ қўчаларида юрган бўлардим...

Хуллас, бир ойга қолмай «жаннатдай жой»лардан безиб, ортга қайтишга йўл ахтара бошладим. Пул, давлат, чиройли шаҳар, осмонлар бинолар, очиги, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, фақат она юртимни кўрсардим. Хорижнинг кўзни қамаштирадиган турмуш тарзи, элимнинг бир кафт тупроғи олдида чақага арзимаслигини англаб етдим.

Ватанга қайтишга жон-жаҳдим билан уриндим ва она юртимга қайтдим. Дунёга қайта келгандай бўлдим, осойишта кунларимизнинг қадри ҳақида ўйлаб бошладим.

Юртимизнинг тинчлиги, фаровонлиги, элнинг осойишталиги улуг нъмат, уни қафимизда асраш, авайлаш, қадрига етиш керак экан.


Ёшларга, тенгдошларимга «Огоҳ бўлинг, ўзга жойда жаннат йўқ, юртимнинг бир кафт тупроғини дунёларга алишмасман, элимнинг нон-тузидан айирмасан», дегим келади.

Насиба ТОЖИМУРАТОВА

▼ ВАТАННИ ДЕБ ЯШАЙЛИК

# БОЛА ҚАЛБИ — ОЛПОҚ ҚОҶОЗ

Юртимиз мустақилликни қўлга киритгач, ҳар бир жабҳада туб ислохотлар амалга оширилганлигини барчамиз чуқур англаймиз. Ҳис этамиз. Шу маънода, бугунги ёшларимизнинг ҳар бир ўтаётган кунига ҳавас қилса арзийди. Уларнинг бу соадати истиқлол самаралари билан Ҳамоҳанглир.



Шубҳасиз, бугунги ёшларнинг ҳар бир кунини бемалол имкониятлар даври, деб аташимиз мумкин. Зеро, ёшларнинг ўзи беқиёс имкониятдир. Вақт чигиринидан ўтган, турлича қарашлару гоғларга жавоб бера оладиган халқимиз миллий тафаккурининг, аждодлардан мерос бўлган улуг тарбия воситаларининг ёш авлод қалбида илдиз отиши учун, албатта, ҳар биримиз масъулимиз. Бу жараёнда, айниқса, ўқитувчилар, ота-оналар кўпроқ бурчлидир.

Эътироф этиш лозимки, бугун мактабларимизнинг ҳар бирида ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар бор, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Мактаб партасига келиб ўтирган ўқувчининг шурида илму маърифатга бўлган меҳрни, интилишни вояга етказиш муаллимнинг вазифаси бўлса, унинг ҳаётга бўлган муносабатини шакллантиришда, ўз ўрнини топиб жамият учун фидойи бир инсон бўлишида оиланинг ўрни беқиёсдир. Қузатадиган бўлсак, айрим ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияти бошқалардан кўра етурок, аммо кунт ва интизом масаласида биров дангас бўлишди. Агар ундаги иқтидорни ўқитувчи ва ота-

бидан касб танлаётган фарзандларимизнинг иқтидорини чамалаб, уларнинг танлаётган йўли тўғри-нотўғрилигини аңлатиш учун, тан олиш керакки, ҳаммамиз ҳам масъулиятни бўйнимизга олавермаймиз.


Ахборот асрида ҳаётимизга шиддат билан кириб келган интернет тизимининг ёшлар онгига таъсири эса янада долзарблик касб этади. Зеро, дарс машғулоти туғганидан кейин мактаб ўқувчисининг «Интернет клуб»ларда вақтини ўтказиши бугунги кунда оддий воқеага айланиб бормоқда. Айниқса, шаҳар жойларида бу ҳолатга тез-тез дуч келамиз. Турли хил дийдани қотирадиган ур-йўқит ўйинлар, ёвузлик сахналари акс этган фильмларнинг барчаси айнан «Интернет клуб»ларда намойиш этилмоқда. Айтиш мумкинки, келажагимиз бўлган ёш авлод руҳиятини керакли-керасиз ахборотлар билан тўлдириб бормоқда. Интернетдаги ўзига хизмат қилган бўладилар. Лекин бир нарса аёнки, ўқувчи ўқув машғулотида қанчалик қўлини қўйган бўлса, интернетдаги ўзига хизмат қилган бўлади.

Бугунги кунда тез-тез тилга олинаётган «оммавий маданият», «глобаллашув жараёни» каби ибораларнинг туб негизидан нималар дўтганлигини, кишини ёвдатлаб қўйиши мумкин бўлган тезкор жараёнларни, аввало, биз — ота-оналар теран аңламоғимиз керак. Кўз илғамас биргина лавҳада онгимизга сингиб кетаётган, нияти нимадан иборатлигини кўпчилигимиз билмайдиган бу таъсиралининг барчасига, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Жаҳлатга қарши маърифат» деган гоа асосида ҳаракат қилмоғимиз лозим бўлади. Мафкуравий иммунитетни, маънавий таянчини эса миллий қадриятларимиздан, бой маданий меросимиздан излашимиз зарур.

Нилуфар ЙҮЛДОШЕВА, педагогика фанлари номзоди, доцент

▼ БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

## Кимлар меросхўр бўлади?



— Айтиш-чи, мерос маҳалла қўмитасига ҳам васият қилишни мумкинми? Умуман, кимлар меросхўр бўла олади?

М.Афзалова  
Тошкент шаҳри

Ҳа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам меросхўр бўлиши мумкин. Бундан ташқари, фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга (шу билан бирга юридик шахсларга) ёки давлатга васият қилиш ҳуқуқига эга.


Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қолаверса, у васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин, бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Фуқаро вафот этиб, унинг ўлими кунинда унга эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли бўлган мулкига нисбатан мерос очилади. Ворислик нотариал тартибда тасдиқланган сабабли нотариус биринчи навбатда вафот этган фуқаро ўз номидан мулкига васиятнома қолдирган-қолдирмаганини текширади. Агар васиятнома бўлса, мерос қолдирувчининг ушбу васиятномада белгилаган хоши-иродаси рўйбга чиқарилади. Васиятнома бўлмаган ёки бутун мероснинг тақдирини белгиламаган ҳолларда, ворислик қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка Фуқаролик кодексининг 1135-1141 моддаларида назарда тутилган навбат тартибда қабирилади. Қонун бўйича ворисликда бир тарафдан фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, иккинчи тарафдан фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари туғишган қариндошларига тенглаштирилади.

Саволга Юнусобод туман ДНИ нотариуслари Алшер ХИДИРОВ, Саидхон ЭШОНХОНОВ жавоб берди.

## Ижтимоий реклама бепулми?



— «Ижтимоий реклама» деган тушунчани тез-тез учратамиз. Рекламанинг бу турига тушунча берсангиз. Ижтимоий рекламанинг бепуллиги ҳам ростми?

Д.Усмонова  
Китоб шаҳри

Реклама тўғрисида «ги Қонунда «ижтимоий рекламани ахборот» тушунчаси келтирилган ва унга шундай таъриф берилган: «Ижтимоий рекламани ахборот соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек, нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир».

Қонунга киритилган ўзгартишларга асосан шахсларнинг ижтимоий рекламани ахборотни текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) ижтимоий рекламани ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланмайдилар.

Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламани ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Республика Давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламани ахборотни бепул жойлаштиради.

Саволга Китоб тумани ДНИ нотариуси Гулсара ЭШМУРОВА жавоб берди.

▼ СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?


# Муқаррамликка муносабат бўлинг!

Қадимдан тўйлар инсон ҳаётида муҳим воқеа саналган. Айниқса, халқимиз никоҳ тўй удумлари, анъаналарига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ана шундай қадриятлар сирасига қирадиган меҳмон ва мезбон қутуш одами, маданияти тўйларга алоҳида мазмун бағишлайди.

Энди тўйларда эркак ва аёлларнинг қадаҳ тўкиштириб, спиртли ичимликлар ичишини бир тасаввур қилиб кўринг. Қудалар, албатта, азиз меҳмонларини тўй даврида жуда сиполик, тавозе билан манзират кўрсатишади. Бугунги никоҳ тўйларимизда ҳам ана шундай қадриятларимизнинг қадри банд, дастурхонларимиз ноз-неъматларга тўла, созандаму хонандаларга бисёр. Ҳашаматли тўйхона-ю, унда меҳмонларга кўрсатилаётган хизмат, энг сўнгги услубдаги меҳмонлар — буларнинг бари яқши, одамларимизга қулайлик туғдирапти. Фаровонликдан дарак. Не-не оруз-умидлар билан оила кураётган келин-куёв, рўзгоридан орттириб, топганидан элга дастурхон ёзиб, қувончини меҳмонлар билан баҳам қўраётган ота-оналар бу кунни бир умр эслаб юришига нима етсин?! Аммо... Тўғриси, бугунги шундай тўйларимизда айрим аёлларнинг шарқона урф-одатларимизга тўғри келмайдиган

хатти-харакатларини қандай баҳолашга киши ҳайрон қолади. ...Туман марказидаги ҳашаматли ресторанда обрўли хонандон тўй қилди, бордик. Никоҳ кечасига қарию ёш, хотин-халаж, болалар ҳам келган, куй-қўшиқ авжида. Шу пайт тўрдаги стол атрофида аёллар уймалашиб, даврадагиларнинг эътиборини торта бошлади. Бир маҳал улардан бири ўрнидан гандирақлаб турди-да, қўлларини ҳавода пахса қилиб, атрофидагиларни эркакчасига сўкиб, оғиздан шоди кириб, боди чиқа бошлади. Ёши улугларнинг боши қуйи эгилди, эрмакталаб ёшларга эса, кулгу бўлди. Мезбонлар минг ҳижолат билан оёғида тик турулмаётган, кайфи ошган боғи аёлни даврадан қўлтиқлаб олиб чиқиб кетишди...

Ҳаёт-да, ўша воқеанинг «тафти босилмай», орадан бир-икки кун ўтиб, ўша маҳаллада жаноза бўлди. Қўлтиқлаб бу воқеадан, очиги, биров довдираб қолдик. Қара-



сам, ўша тўйда маст бўлиб, роса хунарини кўрсатган хотин бошдан-оёқ қандайдир чимматга ўралиб олиб, маърақага кайвонилик қилляпти... Разм солсам, атрофида куй-маланиб юрганлар ҳам тўйдаги улфатлари.

Яқинда яна бир тўйга боришга тўғри келди. Мезбон аёл элдан бурун ҳар бир стол олдида бориб, тумонат одамларнинг кўз ўнгида даврадагилар билан қадаҳ тўкиштириб спиртли ичимликни сипқора бошлади. Бизнинг столга ҳам келди. «Бу ишингиз қудалар олдида обрўйингизга пулур етказиши мумкин», дея шипшитдим.

— Нима қипти, ичсам, ахир

улар бегона эмас-ку, бири жамоам, наригиниси қўшинларим, анув тўндагилар қудаларим бўлади. Бугун тўй, улар билан шундай кунда ичмасам қачон ичаман?! — деди-да, шартта бурилиб кейинги стол атрофидагилар билан қадаҳ кўтарди.

Тўй маросими айни авжида чиққанда уни ҳам даврдан қўлтиқлаб олиб чиқиб кетишди.

Тан олиш керак, аёллар ҳақида бундай ноқўй фикр айтиш жуда оғир. Очиги, минг бир истиҳола билан ёзямман шу гапларни.

Одамлар оғзида нақл бор: «Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди». Кишини ўйлашга

Фармон ТОШЕВ

— Лизинг шартномаси нима? Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тушунча берсангиз.

Т.Гафурова  
Тошкент шаҳри

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) лизинг олувчи (ижарага олувчи)нинг буюртмасига биноан сотувчи (учинчи тараф) билан мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини белгилайди. Лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади. Содда қилиб айтганда, лизинг шартномаси уч тарафлама келишувдир.

Истеъмом қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин (Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно).

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларида таъини шарт. Агар лизинг берувчининг айби ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган (тўлиқ етказиб берилмаган), мuddати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

Лизинг шартномаси мuddатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнақ сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгилаган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт. Шунингдек, лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур.

Саволга Шайхонтоҳур туман ДНИ нотариуслари Ботир НОМОЗОВ, Умида БОЗОРОВА жавоб берди.

ТАДҚИКОТ

ШУКУХ

«ХАТТИ БОБУРИЙ»

ЁКИ БУЮК АЖДОДИМИЗ ЯРАТГАН АЛИФБО

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, олим ва давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур серқирра ижодкор сифатида дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган. Ўзбек тили ва форсий забонда гўзал ашъорлар битган шоир Бобурнинг насрий жанрдаги «Бобурнома» асари, мана, беш асрдирки, Фарб ва Шарқ олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бойси, бу асарда ўттиздан ортиқ фанларга оид нодир маълумотлар йирилган.

Буюк аллома ўз даврида туркий халқлар учун махсус алифбо ҳам яратган ва уни «Хатти Бобурий» деб атаган. Ўзи яратган алифбо асосида муборак Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи мукаррамага жўнатгани ҳақида «Бобурнома»да зикр қилинган.

Илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган «Хатти Бобурий»нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондидаги нусхасини ўрганиб чиққан олима Сабохат Азимжонова илк бор 1958 йили унинг ихтиро-чиси таваллуднинг 475 йиллигига бағишлаб Андижонда ўтказилган илмий анжуманда маъруза қилган эди. Орадан бир неча йил ўтганидан сўнг Бутунжаҳон шарқшуносларнинг Хиндистонда ўтказилган XXVI халқаро конгрессида иштирок этган олима «Хатти Бобурий» ҳақида янги маълумотлар номли маърузаси билан иштирок этиб, дунё илм аҳлига Бобур тузган алифбо тўғрисида илмий ахборот беради. Бу янгилик жаҳондаги барча шарқшуносларда катта қизиқиш уйғотади. С.Азимжонова «Хатти Бобурий»нинг нусхаси Шарқшунослик институти нодир қўлёзмалар фондида сақланаётган Муҳаммад Тохир бин Қосим қаламига мансуб «Ажойиб ут Табоқат» (1645 йили Балхда ёзиб тугатилган) китобига қи-

ритилгани баён қилган. Шунингдек, муаррих Хожа Низомиддиннинг «Табоқати Акбарий» ва Абул Қодир бин Малик Бадаюннинг «Мунтахаб ут Таворух» номли китобларида ҳам мазкур алифбо ҳақида маълумот берилган. Қизиғи, Муҳаммад Тохир бин Қосимнинг фикрича, бу алифбони яратишдан мақсад маҳфий хатлар ва хабарлар етказишдан иборат бўлган. Албатта, бу тахмин ҳақиқатдан анча йироқ. Негаки, Бобур ўз алифбосида Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи шарифга жўнатганини баён қилган эди.

Бобур яратган алифбо ҳақида яна бир ўзбек олими Илёс Низомиддинов ҳам «Урта Осиё ва Хиндистон муносабатлари тарихидан» номли монографиясида алоҳида тўхталиб ўтган. Афсуски, бу тадқиқотлар ўша пайтлар баъзи олимлар томонидан шубҳа остига олиниши натижасида Бобур алифбоси кўпчиликнинг ёдидан кўтарилди.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг ташкил этилган Бобур жамғармаси ва унинг қошидаги илмий экспедиция Эроннинг Машҳад шаҳридаги имом Ризо ҳарам мажмуасидаги Остоне Қудсе Разавий кутубхонасида «Ал Мухафил Бобурий» (Бобурий хатда битилган Қуръони карим) сақланаётганидан хабар топди. Жамғарма раҳбари Зокиржон Машрабов қайта-

қайта уринишлар орқали 5,9х7,9 ўлчамдаги 265 varaқ ва ҳар саҳифасида 17 сатрдан ташкил топган бу китобнинг нусхасини Ўзбекистонга олиб келишга эришди. Бу ноёб китобнинг ўша нусхаси ҳозир Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида сақланмоқда.

Яқинда шарқшунос Санжар Фуломов қўлимга бир рисола тутқазди. Эски ўзбек ёзувида «Ойдин фарҳанги бунёдӣ» нашриётида chop этилган китобнинг муаллифи афғонистонлик бобуршунос Х.Елқин бўлиб, у рисоласини «Бобурий хат» деб номлаган. Унда тил, ёзув ва инсонлар ўртасидаги алоқа ҳақида сўз юритилиб, Бобур алифбоси илмий таҳлил қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Захриддин Муҳаммад Бобур яратган алифбони биринчи бўлиб ўзбек олимларидан С.Азимжонова ва И.Низомиддиновлар томонидан эллиқ йил илгари жаҳон илм аҳлига бергани, мазкур ёзувга битилган Қуръони каримнинг истиқлол шарофати билан юртимизга келтирилиши халқимиз ҳаётида чиндан ҳам катта воқеа бўлди. Уйлаймизки, «Хатти Бобурий» борасидаги изланишлар ва ўрганишлар бундан кейин ҳам давом этади.

Ботир ЙҮЛДОШЕВ, шарқшунос



Назм боғбони

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия «Бу оқшом» шеърда ижодкорнинг Ватан олдидаги масъулияти ва муқаддас бурчи ҳақида шундай ёзади:

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим — шеър, Сочимда, чехрамда йиллардан нишон. Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер, Орзуларим қарон, Сарбоним — ишон.

Шундай шеърлар биз, ёшларни Ватани севишга ва ардоқлашга даъват этади. Не бахтки, шундай шеърларни ёзган шоира Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганим менга қанот бағишлади. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультети талабасиман. Спортни жуда севаман. Каратэ бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпиониан. Келажакда она-Ватанимиз шаънини оламга ёядиган спортчи қизларни тарбияладиган мураббий бўлмоқчиман.

Шеърят — жону дилим. Ўзбек, қорақалпоқ шоир ва ёзувчиларининг китобларини қўлдан қўймай ўқийман. Ўзим ҳам шеър машқ қиламан. Айниқса, онахон шоиримиз Зулфиянинг шеърларини севиб мурола қиламан. Шеърнинг таъсиридан чиқиб, юрак торларини чертиб юборишга хизмат қилувчи асосий омил бу образлардир. Зулфия шеърларидаги «Ишқим — алангадир, қордир ҳижроним, Саксон йил ловуллаб сўнмадан ўтман», «Номлари, ёдлари пайғамбар монанд Ҳазрат устозларим — теран илдизлар, Мен ундан жон олиб қўқарган дарахт, Меваси — қабимдан отилган сўзлар» каби образлар мени завқлантиради.

Қорақалпоқ шеърятидан Ибройим Юсупов, Жиянбой Избосканов, Бахтиёр Генжамурдиннинг шеърларини ўқишни ёқтираман. Айниқса, Ватан ҳақида битилган ёрқин ва унутилмас образли шеър ва достонларни қайта-қайта ўқийман. Ана шундай асарлардан бири Бахтиёр Генжамурдиннинг «Мадехон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик» достонидир. Шоир ватанпарвар қахрамон тилидан ёзади:

Етмас жойда этагимни кесиб олдим, енг этдим, Ер бермадим ўзгаларга, ўз еримни кенг этдим. Донуларни, ботиқларни ва мардларни қўллайдим, Мен элимни осмонлар тоғлар билан тенг этдим!

Ҳа, мардлик, донишмандлик, жасорат ана шундай кадрланган. Эгулик, инсонпарварлик улуғланган. Она Ватан, муқаддас туپроқ, азиз ва мўътабар сув энг олий неъмат сифатида асраб-авайланган. Достонда мана шу гоғлар бадий маҳорат билан тасвирланган.

Асардаги халқона ҳикматлар асосида битилган тимсоллар, кўча маъноли сўзлар ўқувчи диққатини ўзига ром этади. Масалан, «Асл бўри уядамас, дала-тузда ўлади! Асл йиғит ўткир қилич, ўткир сўздан ўлади», «Уч минг ботир қалқиб турди қабоғидан қор ёғиб, Ўқловдайн томирдида ному с бирла ор окиб».

Ватан ҳимояси учун қалқиб турадиган, жонини ҳам аямайдиган жасоратли ботирларнинг авлодларимиз. Ватан ҳақидаги бундай асарлар бизни жонахон юртимизни севишга, ардоқлашга ва кўз қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этади.

Тенгдошларимнинг ижодини ҳам қизиқиб кузатиб бораман. «Ижод» жамоат фонди тавсияси билан нашр этилган ёшларнинг илк китобларини давлатимиз билан ўқиб муҳокама қиламиз. Муяссар Тиловова, Мехрибонгул Тожимуродованинг ҳикоялари, Сарвинос Мусатдинова, Қобилжон Шерматовнинг шеърларида янги ўхшатишлар, оҳорли ташбеҳлар менга маъқул бўлди. Қобилжон «Иноқ сонлар» шеърда сонларнинг кўриниши — ёзилишига қараб топқирлик қилган:


Ҳавас қилар рақамлар, Новча Ишге урнини. Қўшисига боқиб у Қашир узун бурини.

2 эса тиз чуқар, Қовоғини соловолган. Гўё бели букилиб, Елкасига юк олган...

7 — Ишге тоғаси, Афсус, озиб кетяпти. 8 гўё капалак Қанот ёзиб кетяпти. Фикримнинг аввалига қайтсам.

Зулфия онамиз Ватанинг порлоқ келажagini шоира юраги билан ҳис этган. Бу улуг аёл яратган назм боғи бугун гаркираб яшаб турибди. Ойдин Ҳожиева, Қутлибека, Гулистон Матёкубова, Ҳалима Аҳмедова каби шоирлар ижоди Зулфиянинг назм боғида гулкираб турган чинорларга, кўркам ниҳолларга ўхшайди. Мен ҳам улуг шоиранинг шоғирдларидан бири бўлдим. Менга ҳам устоз Зулфиянинг гоғибона нигоҳи тушди... Бу ишончи она Ватанимга муҳаббатим, меҳнатим ва фаолиятим билан оқлайман, деб ваъда бераман.

Замира АЛНЕВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти соғирдори



Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов шундай ёзганди: «Агар дунёда сўз бўлмаганда, у хозиргадй гўзал бўлмамасди». Чинданам, сўзсиз дунёни тасаввур қилиб бўлармикин?! Биз сўз воситасида фикримизни билдиришимиз ва фикр аниқлаймиз. Умуман, сўзнинг қудрати чексиз. Аммо сўз ҳам асалга ўхшайди: ози ширин. Шунинг учун ҳам донишмандлар ҳамиша сўзга, тилга эҳтиёткорона муносабат, оз ва соз сўзнинг киммати борасида уқтириб келишган. Буюк боёқалонимиз Махмуд аз-Замашарий ҳақ: «Ортиқча сўздан тилини тиёлмаган одамнинг жилови шайтон қўлида».

ТҮРТ САТР

Баян ўйлаб қолсан киши: нега Умар Хайём бунчалик машҳур?! Ахир, у фақат йўл-йўлақай, шунчаки астрономия, математика ва бошқа илмлардан толиққанидагина қўлига қалам олган-ку. Фақат тўрт сатрдан иборат рубоийлар ёзган, холос. Ё, шакл ҳеч нарсани белгиламайдими? Машҳурлик учун катта нарсалар ёзиш шарт эмасдир, балки...

— Йўк, — дебди фаришта. — Мен фақат битта тилагингни бажара оламан. Сен танлашингни лозим. Эрта саҳарда тагин хузурига қайтаман ва сен ўз қарорингни айтишингни керак.

— Хўш, одам, танладингми, — дебди у эртаси куни. — Сўрайдиган нарсанг фақат битта бўлиши кераклигини унутмадингми?

— Ҳа, мен бир қарорга келдим, — жавоб берибди ҳалиги киши. — Менинг болаларим қандай қилиб олтин идишларда овқатланишини кўришни истайман!

Энинг бу истаги адо этилган экан... Қиссадан ҳисса шуки, оз сўз билан катта фикрни айта олиш — юксак санъат, истеъдод. Шу ўринда, бугунги шеърятимиз манзаралари кўз ўнгимизда бир-бир жонланиши табиий. Зеро, сўзнинг сони эмас, салмоғи айниқса, шеърда муҳим роль ўйнаши аён. Бу мавзуда гап кетганда, далил сифатида устоз шоир Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқча»-сини эслаш қифоя. Ёхуд ўша машҳур «Най»ни эсланг: тўрт банддан иборат буюк асар.

Шеърнинг сози тўрт сатр, Тўрт ажойиб, зўр сатр. Шоир одам ўзини Тўрт сатрда қўрсатар. (Эркин Воҳидов).

Ҳақиқатан ҳам, сўз шоирни чўққига ҳам етаклай олади, жарага ҳам. Тинимсиз жаврайдиганларнинг қиммати ҳам ҳаминқадар бўлиши сизу бизга аён. Зеро, Расул Ҳамзатов айтганидек: «Сўз — мисоли ёмғир: биринчи сафар — табиат инъом; иккинчи сафар — яхши; учинчи сафар — чидаш керак; тўртинчи сафар — ... бу энди офат».

Мансур ЖУМАЕВ

КИТОВХОНЛИК

Меридианлар бўйлаб саёҳат

Китоб борки, ўқувчини олам ва одам, унинг кечмиши, бугуни билан таништиради. У бамисоли бу кўхна олам осмонда чакнаган бир юлдуз. Камина ҳам журналистикага дадил кириб келаётган навқирон ҳамкасбимиз Шахина Жўраеванинг «Меридиан бўйлаб саёҳат» китобини ўқиб чиққач, ўзимни инсоният цивилизациясининг улкан ва жўшқин бир уммонида ҳис қилдим.

Китобда одам ва олам тақдир, умуминсоний тамаддун ҳосилалари, дунё тажрибаси ҳақидаги илмий очерклар, муаммоли ва публицистик мақолалар жамланган. Уни саҳифама-саҳифа ўқиб борганинг сари ўзингни кечмиш замонлар оша саёҳатда, ўз ақл-идроки ва иқтидорини ишга солиб, келгуси авлодларга улкан бадий ва илмий мерослар қолдириб ўтган буюк аждодлар давраларида сезасан, киши. Ундаги ҳар бир журналистик асар китобхон учун бамисоли улуг аждодлар меросини жамлаган улкан саҳна пардасининг бир чеккасини кўтаргандек туюлади гўё. Ана ўша улкан уммондан олтин зарраларини териб олиш, уларнинг ўз жилосини илғаш ва товланишларини ёшу кекса китобхон учун бир хил қизиқарли ҳикоя қилиб бериш учун қанчалик маҳорат, кунт-сабот керак!

Китоб, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад унга ёзган сўзбоҳисида таъкидланганидек, ёш ижодкор Шахина Жўраеванинг "...ўз йўли, ўз мавзуси ва ўз сўзини излаётганидан далолат беради". Муаллиф таълим тизимини ташкил этишининг жаҳон тажрибаси, фан-техника ривожини, бадий ижод чашмаларининг тиниқ зарралари, инсон тасаввурига сигмайдиған мўъжизалар ҳақида содда, бироқ аниқ, ифодали тил билан ҳикоя қила олиши ҳайратланарли, ибратли ва таҳсинга лойиқ.

Шахина бу даражага осонликча эришгани йўқ. У миллий истиқлол шарофати билан мамлакатимизда бошланган жўшқин янгилишлар даврининг фарзанди. У Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетидаги ўқишини «Маърифат» газетаси таҳририятидаги ижодий иш билан бевосита уйғунлаштира олди. Тинимсиз ўқиш, замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиб, тарихни, бугунги жараёнларни чуқур ўрганиш, мақсад сари саботли интилиш, толганлари, илганлари, ўрганганларини ўқувчилар билан йилма-йил баҳам қўриш, уларни кунт билан саралаш ва жамлаш катта ижод йўлида



унга дастлабки қадамни дадил қўйиш имконини берди. Ўз китоби саҳифалари орқали ўқувчиларни кўраи замин меридианлари, бу кўхна дунё сир-синаотлари, ютуқлари ва изтироби изланишлари сари саёҳатга таклиф қилди. Ва кўриниб турибдики, мақсадига эришган.

Муаллиф жаҳон тараққитининг энг ибратли йўналишларида мустақил Ўзбекистоннинг кечмиши, бугуни ва эртасини кўради ва мамлакатимизни буюк келажакка олиб борувчи мафтунок омиллар билан бизни таништиради. Таваққур мўъжизаларининг инсоният камолотига хизмат қилувчи ёки уни таназзул сари тортувчи жиҳатлари ёритилган саҳифалар ўқувчини ўйлантириши табиий. Китобнинг руحيят жилолари тобланган саҳифалари комиллик ва жаҳолат йўлларини китобхон учун танлаш имконини яратди, ҳаёт, унинг моҳияти ва мақсади хусусидаги мулоҳазаларга чорлайди.

Бугунги экологик муаммолар ҳам ёш муаллиф қалбини безовта қилади, жунбушга келтиради. «Келажак авлодларга биздан қандай замин қолади?», «Улар биз кўрган оламини бус-бутунлигича кўра олармикин?» деган саволлар ижодкорни ўйлантиради, қўлга қалам олишга даъват этади. У бизни Арктика музликлари, булутлар туташган чўққилар тақдирини ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундайди.

Муаллиф тарихга ва инсоният келажигига бефарқ эмас. Китобни ўқиш жараёнида бу кайфият ўқувчига ҳам «юқди» ва уни замон қувончлари ва ташвишлари билан яшашига чорлайди. Ва муаллиф ўз мақсадига эришади. Сўнгги саҳифани ёпаётган ўқувчи ўзини мана шу тўлғоқли дунё фарзанди деб ҳис қилади, «ҳаракатга» киришга қудратли зарурият сезади. Бу, ҳеч шубҳасиз, ёш ҳамкасбимизнинг энг муҳим ва катта ютуғидир.

Жура САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

